

Ислом шариатида аёллар миграцияси

19:52 / 19.04.2017 3845

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан олган билимларимиз шуни кўрсатадики, бирор муносабатни тартибга солувчи мазъёрлар жорий этиш учун авваломбор анашу муносабатнинг ўзи юзага келган бўлиши лозим. Ислом шариатида аёллар миграцияси борасида сўз кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислом жамияти бугунга қадар мазкур муносабат турига ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатидан дуч келгани йўқ. Балки унга олиб борадиган муносабатларни тартибга солдики, ҳуқуқий тартибот аёллар миграцияси масаласига этиб бормади. Аксинча ислом таълимотида аёллар миграциясининг вужудга келиши сабаблари тури тадбирлар билан бартараф этилди. Бу муносабат турининг ислом шариатида шаклланмаганлигининг бир қанча омиллари бор. Қуйида шуларни баъзисини келтирамиз.

1)Ислом шариатида аёллар уч кунлик масофага сафарга якка ўзлари чиқишлари таъқиқланади. Бу борада Расулulloҳ(с)нинг қуйидаги кўрсатмалари келади:

“Аллоҳ ва Охиратга иймон келтирган аёл уч кун ва ундан юқори муддатга фақат ўз ери ёки яқин қариндоши(маҳрам) билангина сафарга чиқиши мумкиндир(ҳалолдир) ”

Ҳадисдан кўриниб турибдики, фақат балоғат ёшига етган, ақл-ҳуши жойида бўлган эркак қариндошлари билангина ўзга диёрга сафар қилишларига рухсат этилади. Айнан балоғат ёшига этган эркак қариндошни шарт қилинишидан мақсад ҳам аёлларнинг турли моддий қийинчиликларга тушиб ўзларини бирор нолойиқ меҳнатга жалб қилмасликлари учундир. Ҳатто, эркак маҳрами бўлмаса Ҳаж каби исломнинг асосий арконларидан бирини бажариш мажбурияти бекор бўлади. Агар эри ёки яқин қариндоши бўлса зарурат юзасидан хорижга бориб ўзига мос фаолият билан шуғулланишига ислом шариати рухсат этади.

2)Аёллар меҳнати ва умуман миграцияси ҳам қачон вужудга келиши мумкин қачонки шунга аёллар томонидан моддий-маъиший еҳтиёж сезилса. Ваҳоланки ислом шариати барча кундалик маъиший эҳтиёжларни қондириш мажбуриятини оила раҳбари бўлмиш эркакнинг зиммасига

юклайди. Агар эри бўлмаса унинг эркак қариндошларига мазкура аёлнинг барча еҳтиёжларини қондириш мажбурияти юкланади. Аёллардан бу мажбуриятларнинг бари соқит қилинади. Бу ижтимоий ҳимоя ислом шариатида нафақа атамаси билан юритилади. Бунинг шаръий асослари Аллоҳнинг Исро сурасида келтирган қуйидаги қавлидир:

“Қариндошга, мискин ва йўловчига ҳақларини адо этинг...”(17/26)

Ислом ҳуқуқшунослари мазкур оятга асосланиб эркак қариндошларга ўз аҳли аёлларининг эҳтиёжларни қондириш лозим дейдилар.

3)Балоғат ёшига этган ўғил фарзанди бор аёллар ҳам ўзлари меҳнат қилиб кун кечиришларига ташлаб қўйилмайди, балки уларнинг фарзандларига ота-онаси еҳтиёжларини таъминлаш мажбурияти юкланади. Бу ҳам Аллоҳнинг Луқмон сурасидаги қуйидаги қавлига таянади:

“Уларга (гарчи ўзга динда бўлсалар ҳам) яхшилик қил...”(31/15)

Юқоридаги оят билан фарзандларга ўз ота-оналари нафақаси мажбурияти юкланади.

Расулulloҳ(с)дан ҳам бу борада жуда кўп ҳадислар ривоят қилинади. Мухтасар бўлиши учун эркак ва аёл ўртасида моддий мажбуриятларга алоқадор бўлган қуйидаги ҳадис билан чекланамиз:

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ(р.а)дан келтирган ҳадисда Расулulloҳ(с) Видолашув ҳажида ўз умматига қуйидагича хитоб қилдилар :

“сизларга аёлларингизнинг озиқ-овқатлари ва кийим- кечакларини таъминлаш мажбурияти юклатилди..”

Буюк аллома Ибн Мунзир айтади “Эркакларга аёллар нафақасини таъминлаш шарт эканлигига илм аҳли иттифоқ қилишган ”

Шунга ўхшаш қоидани Ислом инсон ҳуқуқлари Қоҳира декларациясининг 8-моддасида ҳам учратиш мумкин. Унда айтиладики “Эркак оила эҳтиёжларига жавобгар ҳамда унинг тақдирига масъулдир ”

4)Исломда аёллар ҳар доим эрнинг ҳамда ислом жамияти назорати остида бўлади. Ҳатто аёлнинг ўз эри рухсатисиз зарурат бўлмасдан уйдан чиқишига рухсат этилмайди. Ислом шариатида аёллар ажнабий юртларда

емас балки ўз юртларида меҳнат қилишлари ҳамда фан, маданият , таълим, маориф, санъат, адабиёт ва шунга ўхшаш аёллар табиатига уйғун фаолият билан шуғулланишларига рағбатлантирилади. Шундай экан унинг ўз юртидан меҳнат қилиш ёки бошқа мақсадларда чиқиб кетиши ислом жамияти учун жоиз ҳисобланмайди ва бундай аёлларга нисбатан жамият ижобий муносабат кўрсатмайди.

Ислом шариати тарихини диққат билан кузатсак унда аёллар миграциясининг фақат бир кўринишига рухсат этилганлиги ва бунга ҳам кейинчалик барҳам берилганлигини кўрамиз. У ҳам бўлса жориялар меҳнатидир. Маълумки ислом таълимоти қулдорлик ҳукм сурган араб жазирасида вужудга келди. Ва албатта ўзининг дастлабки тадрижий ривожланишида бу минтақанинг айрим иллатлари билан ҳисоблашишига тўғри келди. Шулардан брири қул аёллар меҳнатидан фойдаланиш эди. Жориялар ўзганинг мулки бўлиб ҳожаси рухсати билан истаган жойга бориб меҳнат қила олган. Уларга озод аёлларга қўйилган талаблар қўйилган эмас. Лекин, шунга қарамай буни тугатишга қаратилган тадбирлар олинди ва натижада дастлабки иккинчи ҳижрий асрдаёқ меҳнатнинг бу кўриниши деярли барҳам топди.

Фикҳ китобларида юқоридаги омиллар аёллар миграциясига доир шаръий мазъёрларга ўрин қолдирмаганлигига қарамай ислом шариатининг баъзи соҳаларида бу муносабатга яқин бўлган қоидалар учрайди. Масалан, ислом халқаро ҳуқуқи(сияр) соҳасининг ҳарбий ҳаракатларни тартибга солувчи бўлимида аёлларнинг ҳарбийларга хизмат кўрсатиш шакллари тартибга солинган. Аёллар бунда ҳарбий қўшин билан бирга ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган ҳудудга боришлари ҳамда уларга хизмат кўрсатишларига рухсат етилади. Бунинг асосий шarti аёлнинг ёши еркакларни ўзига тортадиган даражада ёш бўлмаслиги.

Ҳатто ҳарбий ҳаракатларга жалб қилинган ҳарбийларнинг оиласига давлат ҳисобидан нафақа тайинланиб моддий-маъиший кўмак берилади. Аёлларни ўзларига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланиш даражасига олиб келинмайди.

Юқорида келтирилган ислом шариатидаги аёллар меҳнати ва ижтимоий муҳофазасига доир қоида ва кўрсатмаларнинг барчасини таҳлил этган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Ислом шариати ўзининг илк вужудга келиши давридаёқ шундай мазъёрларни жорий эттики, кейинги юз йиллар давомида, ҳатто кунимизда

ҳам ислом жамиятини аёллар миграцияси масалалари ҳамда муаммоларидан буткул халос этди. Агар ўтмишнинг бирор босқичида ислом уммати бу муаммога йўлиқганда эди, албатта улар фикҳ китобларида тартибга солинган бўлар эди. Аммо биз фикҳнинг бирор бўлимида бу масалага дуч келмадик. Чунки унга олиб борувчи йўлларнинг барига Шорэъ(қонун чиқарувчи)томинидан тўсиқлар ўрнатилган бўлиб уларни четлаб ўтиш ислом шариати ва таълимотига зид ҳисобланади. Умуман аёллар миграциясининг иштирокчилари аёлларни ташкил этиши, хусусан у она, турмуш ўртоқ ёхуд сингил бўлишининг ўзиёқ ислом шариати нуқтаи назаридан қуйидаги қарашни юзага келтиради : Юқорида эрнинг ўз аёлини, фарзанднинг ўз онасини ва ниҳоят эркак қариндошнинг маҳрам аёл қариндошларининг моддий таъминотини бажариш мажбурияти қатъий меъёрлар(Қур'он ва Суннат) билан мустаҳкамланди. Бу меъёрлар амал қилиш муддати абадий бўлиб ҳеч ким уларни бекор қила олмайди. Масаланинг энг муҳим хусусияти ҳам шунда, яъни мазкур қоидалар ислом жамиятида ҳар доим амалда жорий бўлиб аёллар миграциясини вужудга келишига тўсиқ бўлиб келаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуръони Карим маънолари таржимаси. Абдулазиз Мансур . Т-“Тошкент ислом университети нашриёти”. 2001-й.
2. Нур ал-Яқийн ва Итмом ал-Вафо. Шайх Муҳаммад Ҳударий. Тошкент-“Моварауннаҳр”,1992.- 442 б.
3. Ал-мавсуа ал-фиқҳийя. Қувайт вақф ва исломий ишлар вазирлиги.1993-й.
4. Ал-Фатаво ал-Ҳиндийя. 2-жуз. Шайх Низом. Бейрут -“Дору ул-кутуб ал-илмийя”,2000-446 б.
5. Ал-Фикҳ ал-Исламийю ва Адиллатуху. 8-жуз. Прф. Ваҳба Зухайлий. Дамашқ -“ Дор ал-Фикр”, 1997-5829-6456 б.
6. Исламская концепция миропорядка. Н.В.Жданов. Москва-1991
7. Керимов Г. М. Шариат : Закон жизни мусулман. Ответы Шариата на проблемы современности.СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”,2007. – 512 с

